

**FOLK TRADITION CONCERNED TO ORGANIZING LEISURE AND RECREATION**

Rustamov Farukh Rustam ugli

The Teacher Of Bukhara Natural Resources Management Institute

farruxrustamov7@gmail.com

+998919759797

**ANNOTATION**

The Uzbek people have a unique tradition of meaningful and effective organization of leisure and recreation, among which there are folk festivals, some ceremonies, parties. The article discusses the role of such mass cultural events in the life of the people, their socio-ethnographic, educational and aesthetic significance, genesis, spiritual significance in the organization of leisure and recreation among people.

**Keywords:** leisure, recreation, flower festival, melon festival, sumalak festival, riddle, conversation, ceremony.

**АННОТАЦИЯ**

У узбекского народа есть своеобразные традиции содержательной и эффективной организации досуга и отдыха, среди которых особо выделяются народные гуляния, некоторые обряды, вечера. В статье рассматривается роль таких культурно-массовых мероприятий в жизни народа, их социально-этнографическое, воспитательное и эстетическое значение, генезис, духовное значение в организации досуга и отдыха людей.

**Ключевые слова:** досуг, отдых, праздник цветов, праздник дыни, праздник сумаляк, айтишув, гап-гаштак, яс-юсун, обряд.

**INTRODUCTION**

Ўзбек халқи орасида кишиларнинг бўш вақт ва ҳордиқ чиқаришни мазмунли ва самарали ташкил қилишга қадимдан алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бу йўналишда халқимизнинг муайян анъаналари шаклланган. Хусусан, улар орасида гул, сумалак, қовун сайллари, топишмоқ беллашуви, бахши кечалари ёки достонхонлик, қиссаҳонлик, эртакчилик, аскиячилик, қўғирчоқ театри, қизиқчилик ва масхарабозлик томошалари, гап-гаштак, яс-юсун сингари оммавий-маданий тадбирлар жамият аъзоларининг ижтимоий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутганлиги, кишилар ўртасида бўш вақт ва ҳордиқни ташкил қилишдаги ижтимоий-этнографик, тарбиявий-эстетик моҳият касб этиши жиҳатидан эътиборни тортади.

Азалдан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўзбек халқининг бўш вақти кўпроқ қиши мавсумига тўғри келган. Шунинг учун ўзбекларнинг маросим ва урфодатлари тизимида маҳсус қиши маросимлар шаклланган бўлиб, улар айнан меҳнат жараёни билан боғлиқ эмаслиги жиҳатидан ажralиб туради. Бунга “Гап-гаштак”, “Яс-юсун” каби маросимлар мисол бўла олади.

“Гап-гаштак” маросими Тошкентда “Гап” деб юритилса, Сурхондарёда “Гаштак” деб аталади. Бу маросим эркак ва аёллар томонидан, уларнинг бўш вақтини инобатга олган ҳолда кўпинча дала ёки рўзгор юмушларидан холи бўлгач, алоҳида-алоҳида ташкил қилинади. “Гап-гаштак” маросими авваллари кўпроқ узун қиши кечалари ташкил қилингани учун қишки маросим сифатида қаралган, аммо ҳозир унинг ўтказилиши мавсумий нуқтаи назардан қатъий чегараланмайди.

Эркаклар гап-гаштакни кўпинча чойхоналарда, аёллар эса уйда ташкил қилишган. Гап-гаштак, одатда, иштироқчиларнинг галма-гал зиёфат бериши кўринишида давом эттирилган. Унинг навбати ва тартибини даврабоши (эркакларда улфатбоши) белгилаб берган. Бунда гап-гаштакдаги “полвонтавоқ” кимнинг олдига қўйилса, зиёфат галини ўша қабул қилиб олган.

“Гап-гаштак” икки қисмдан иборат бўлиб, дастлаб дастурхон атрофида чойхўрлик, иштироқчилар хоҳишига кўра тайёрланган таом тановулхўрлиги қилинган. Ундан сўнг ўйин-кулги, куй-қўшиқ ва рақсларга гал берилган. Бундай давраларда майхўрликка рухсат қилинмаган.

“Яс-ясун” маросими кўчманчи чорвадор аҳоли ўртасида юзага келган қимизхўрлик, бўзахўрлик ёки “кўна ўтиришлари” деб ҳам аталадиган маросим тури бўлиб, фақат эркаклар иштироқида ташкил қилинган. У ташкил қилинадиган хонадон “шерда” деб юритилган. Шердага раис, ўнг ва чап оталиқлар (ўринбосарлар) раҳбар, эшик оғаси (шерда ўтадиган уй хўжайини), буйруқ бериб даврани бошқариб турувчи бий ва унинг ўринбосарлари, ясовул, косагул (соқий) каби жавобгар шахслар тайинланган. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасига масъулият билан ёндашган. Айнан шунинг учун маросим номи “қатъий талаб” маъносини ифодаловчи “яс-юсун” сўзидан олинган. Маросим жараёнида “косагул узатган бўзани бир нафасда ичиб юбориш, косадаги бўзани тўқмаслик ёки тўкиб юбормаслик, доим чўкка тушиб ўтириш ва бий рухсатидан сўнгтина оёқ узатиб ёки ёнбошлиб ўтириш, шерда охирига қадар мастлик қилмай, одоб сақлаш, шерда ўтиришини фақат бий ёки эшик оғаси рухсати билангина тарқ этиш, бий ёки ўринбосарларнинг топшириқларини сўзсиз адо этиш, Косагул шерда иштироқчиларига бўза тутганида таъриф ва мақтовга йўғрилган халқ тўртликларидан айтмоғи ва шерда аъзолари ҳам унга жавоб қайтармоқлари шарт ҳисобланган.

Англашилмоқдаки, бундай маросимлар кишиларнинг бўш вақтида ташкиллаштирилиши, бу жараёнда шахснинг ўз маданиятини ошириши, кўпчилик орасида ўзини тута билиши, давраларда ўтириш, меҳмон кутиш ёки меҳмондорчиликда бўлиш, одамлар кўнглини топиш ва олиш одобини ўзлаштириши учун имкон бериши билан аҳамият касб этади.

Ўзбек фольклорининг энг қадими, анъанавий, каттаю кичикка бирдай севимли ва қизиқарли жанрларидан бири бўлган эртаклар азалдан театрлаштирилган, декламацион, оҳангта солинган шаклда профессионал даражада ижро этилиши туфайли кенг халқ оммасини уюштиришда ўз ўрнига эга бўлиб келган. Халқ мақолларида айтилганидек, “Эртак эрмак эмас, эртакчи оғзига келганини демас” чунки улар орқали инсонларни яхшиликка етаклаш кўзда тутилган.

Ўтмишда одамлар меҳнат, рўзгор юмушларини тугатгач, айниқса, изғиринли куз ва қишининг узун, зерикарли оқшомларини қўнгилли ўтказиш мақсадида бир жойга йиғилиб,

эртакчилик оқшомларини ташкил қылганлар. Бундай эртакчилик оқшомлари шомдан тонгтаса давом этган. Тонг отиши билан эртак тугамаган бўлса-да, уни айтиш тақиқланган. Бунинг сабабини фольклоршунослар: “сехрли-фантастик эртакларда мавжуд дев, пари, ажина сингари қоронғулик оламининг мавжудотлари ёруғлик оламига чиқиб, инсонларга, айни пайтда эртак тингловчиларирига зиён-захмат етказишлари мумкин деган эътиқод туфайли шундай йўл тутилган”, – деб изоҳлашади. Шунинг учун халқ орасида ҳам “Достон кунда айтилади, эртак тунда” деган мақол тарқалган.

Эртаклар бўш вақтда айтилса ҳам, қозоқ адаби Мухтор Авезов қайд этганидек: “Ҳеч вақт бекорчи, эрмак нарсалар эмас, улар ҳамма вақт зўр ижтимоий ва тарихий аҳамиятга эгадирлар. Баҳайбат махлуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи эртак ва афсоналар ҳамда бу бой жанрнинг бошқа турли кўринишларида у ёки бу даврнинг ижтимоий, ҳаётий қурашлари, халқ манфаатлари бадиий ифодасини топгандир.” ана шу маънода одамлар бўш вақтларида эртакчилардан эртакларни мароқ ва чексиз қизиқишу ҳайрат билан тинглаб, улардан аждодларимизнинг яшаш ва қураш сабоини ўзлаштиришга интилишган.

Худди шунингдек, достонхонлик кечалари ҳам одамларда айрича завқ уйғотган. “Халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий қурашлари, ахлоқий-эстетик қурашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан чамбарчас боғлиқ” бўлган халқ достонлари йирик ҳажмли бўлиб, уларнинг ижроси бир неча кунлаб давом этган.

Рус достоншуноси В.М. Жирмунский ёзганидек: “Эпос – бу халқнинг қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги жонли ўтмишидир. Унинг илмий-тарихий қиммати, айни пайтда жуда катта ижтимоий, маданий-тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир”.

Шуниси борки, достон мураккаб санъат асари бўлиб, уни фақат хотираси ўткир, мусиқани ҳис эта оладиган, қуйлаш ва соз чертиш истеъдодига эга баҳшиларгина ижро қила олади. Мана шунинг учун баҳшичилик санъатини эгаллаган зотлар юртимизда азалдан йирик санъаткор, азалдан маърифатчи устод сифатида қадрланиб келинган.

Достончилик ўтиришлари ёки баҳши кечалари, одатда, кичик ё катта зиёфатдан сўнг бошланган. Айниқса, бундай тадбир кеч қуздан эрта баҳоргача кечқурунлари тез-тез уюштирилган. Унда баҳши кўпроқ тингловчиларнинг талаб-истакларига қараб бирор достонни танлаб, ижро этган. Достон ижроси тонгга уланаверган. Агар дам олиш учун танаффус эълон қилинадиган бўлса, баҳши дўмбирасини тўнтариб, ҳурмат билан достон ижросини вақтинча тўхтатган. Маълумотларга қараганда, “Алпомиш”дек йирик достон ижроси икки ёки ундан ортиқ кечаларгача чўзилган.

Достончилик кечалари баъзан тўй-ҳашамларда, оилавий тантаналару халқ байрам ва сайллари вақтида ҳам уюштирилган.

Халқимиз орасида эпик асарларни халққа етказувчи қиссанхонларга ҳам ҳамиша ҳурмат-иззат кўрсатиб келинган. Улар кўпинча “халқ достонларининг қайта ишланган нусхаларини, қизиқарли таржима ҳикояларни, мумтоз адабиёт намуналаридан “фольклорлаштирилган” вариантларни, турли хил жангномаларни чойхоналарда, турли йиғинларда, халқ тўпланган жойларда ёддан айтиб ёки қўллэзма, босма матнлардан ўқиб”, кишиларга маънавий озуқа улашганлар.

Халқымиз орасида топишмоқ айтиш ҳам ақл-заковатни синовдан ўтказиш, зийраклик мусобақаси, ўйин-кулги, күнгил очиш воситаси сифатида анъанавийлик касб этган. Фольклоршунос З. Ҳусаинова ўзбек халқи орасида жуда қадимдан бирор муайян вақтда, бирор маросимда, одамлар кундалик меҳнатдан бўшагандан кейин, кўпинча кечаси топишмоқ айтишгани расм бўлганлигини Самарқанд вилояти Гулбулоқ қишлоғида яшовчи Розия момодан эшитганини маълум қиласди: “Қишинг кечаси узун бўлади, аёллар йиғилиб урчук йигиради, олача тўқийди, шу вақтларда ёки кечаси ётгандан кейин “топишмоқ айтишиш” одати бўлган.

Ўзбек халқининг фольклор анъаналари тизимида масхарабозлик, қизиқчилик, қўғирчоқ театрларининг, асқиябозлик ва лофчилик, латифагўйлик, дорбоз, найрангбоз, чавандоз, айиқ, илон, маймун ўйнаташ ва ёғоч ўйини кабиларнинг ҳам мавқеи анча устун бўлиб келган.

Ўзбек фольклорининг халқ майдон кулги санъатига асосланган жанрлари тизимида сўзга чечанлик, топқирлик, ҳозиржавоблик, ҳазил-мутойибага асосланган асқия алоҳида ўрин тутади. У кишиларга қулиб ҳордиқ чиқариш имконини бериши туфайли қўпинча тўй-томушаларда, халқ йиғин, сайл ва байрамлари ташкил қилинади. Профессионал ижрога, заковат билан бадиҳагўйлик қилишга қаратилган бу санъат турида иштирок этишга қодир сўзга уста, шамаъ, пичинг, кесатиқ, киноя, мазахни илғай оладиган ҳамда уни кўтариб биладиган кишиларгина асқиябоз, асқиячи сифатида тан олинади.

Асқияни тинглаш жараёнида томошабинлар ҳам, асқиябозлар ҳам баравар маънавий озуқа, чексиз завқ-шавқ, таълимий-тарбиявий ўгит, руҳий қониқиши, кулгидан куч олиб, дам ва ҳордиқ чиқарадилар. Кайфиятлари кўтарилиб, енгил тин оладилар. Буни уларнинг асқиябозларни олқишлиб, тез-тез қарсак чалиб туришлари яққол билдириб туради. Айниқса, муайян мавзу, масалан, асар ёки кино, уларнинг қаҳрамонлари номи, гул, мева, парранда, қуш, фасл, таом номларига пайров қилинувчи асқиялар томошабинларнинг руҳиятини янада кўтариб юборади.

Ўзбек фольклорининг яна бир алоҳида, мустақил жанри бўлган лофларни тинглаш, лофчиларнинг чиқишиларини томоша қилиш ҳам кишиларга дам олиш, руҳий хотиржамликка эришиш имкониятини бериши билан оммавийлик касб этган. Лофлар ҳам асқиялар каби сўзга чечанлик ва ҳозиржавоблик мусобақасидир. Унинг кучли муболағага асосланиши кишиларда ўзгача завқ уйғотади.

Бухоро ва Хоразм масхарабозлиги, Фарғона қизиқчилиги анча шуҳрат қозонган. Масхарабозлар, асосан, эркаклардан иборат бўлса, қизиқчилар орасида хотин-қизлар ҳам бўлган. Халқ театри томошалари, одатда, омма орасида, бозор, майдон, сайл, тўй-ҳашам, базм, байрам, чойхоналарда, умуман, кўпчилик йиғиладиган жойларда халқ санъаткорлари томонидан турли хил ўйин-кулгу, драматик ҳолатлар, ҳар хил қиёфага кирган томошачиларнинг монолог ва диалоглари, саҳна ҳаракатларию овоз оҳанглари асосида намойиш этилган. Бундай кўнгилочар томошалар мазмунан ўз даври учун муҳим воқеа-ҳодисалар, турмуш муаммолари, халқ дарди, ахлоқий қарашлар, қолоқ урф-одатлар хусусида бўлганлиги учун ҳамиша омманинг қизиқишини ва эътиборини тортиб, кенг аудиторияни қамраб олган. Айниқса, халқ майдон кулгисига асосланган бундай томошаларнинг фош этиш санъатига асосланганлиги томошабинларда ўзгача маънавий

қониқишиш ва завқ пайдо қилган. Бундай томошаларда кўпинча кўзбўямачи, порахўр амалдорлар, очкўз, золим бойлар, адолатсиз, зўравон ва қонхўр хукмдорлар, майший бузуқ дин арабблари, судхўрлар, қолоқ, дангаса, ишёқмас ва танбал, уқувсиз кимсаларнинг образи кўрсатиб берилган ва фош этилган. Баъзан халқ орасида таниқли бўлган шахсларнинг феъл-автори, қилиқларига тақлид қилиб, пантомималар ҳам уюштирилган. Юртимизда қўғирчоқ театрининг қадимдан мавжудлигини Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “Охшанчуқ, охшоғу, кузурчуқ, қоборчуқ” сўзларининг қўлланганидан билса ҳам бўлади. Унинг қадимиyllигини Умар Хайём рубоийсида келтирилган “Мо лўъбатаконему фалак лўъбатбоз”, яъни “Бизлар қўғирчоғу, фалак қўғирчоқбоз” мисраси ҳам тасдиқлай олади. Тарихий-генетик илдизи дунёдан ўтган аждодларни театрлаштирилган ҳолда ёдга олиш маросимлари билан туташ бўлган қўғирчоқ театрни Ўрта Осиёда, асосан, XI-XII асрларда жуда тез ривожлангани, темурийлар даврига келиб янада гуллаб-яшнагани, Алишер Навоийнинг “Хамса”, XY асрда яшаган Ҳусайн воиз Кошифий “Футувватномаи султоний ёхуд жувонмардлик тариқати” асарларида у ҳақда маълумотлар келтирилгани маълум.

Ўзига хос ўйин-кулги, кўнгилочар воситаси бўлган қўғирчоқ театрининг халқимиз орасида қўғирчоқларни қўлга кийиб, бармоқлар воситасида ҳаракатга келтириладиган “Чодир жамол”, қўғирчоқлар ҳаракати қора ипларга боғлаб қора парда фонида ҳаракатлантириладиган “Чодир хаёл” (“Марионеткалар театри”) ҳамда томошалар қўғирчоқ ёки қўл бармоқларининг соясини деворга тушириб, турли-туман шакллар ҳосил қилиш орқали намойиш қилинадиган “Фонус хаёл” ёки “Соя театри” каби уч ички турдан иборат.

Ўзбек халқи табиат қўйнида бўш вақтни ўтказиш ва шу орқали ҳордиқ чиқариш, она Табиатдан куч олишга қадимдан алоҳида эътибор қаратиб келган. Шу асосда “Бойчечак сайли”, “Лола сайли”, “Лолақизғалдоқ сайли”, “Гули сурх” (“Қизил гул”) сайли, “Сунбула сайли” каби халқимизнинг гулга алоқадор қадимий тотемистик тасаввур-тушунчаларига туташ анъаналари қарор топган. Кейинчалик эса улар замонавий гул байрамлари билан ҳам боғланиб кетган.

Бухорода “Гули сурх” сайли Наврўз тантаналари билан боғлиқ умумхалқ шодиёнаси сифатида жуда тантанали ўтказилган. Бу сайл, асосан, Наврузий анъана сифатида Апрель (Сарв) ойининг бошларидан майнинг ўрталаригача давом этган. Халқ гул сайлида қатнашишни “савоб иш” деб англаган. Сайлни юрт оқсоқоли бошқарган. Унинг фармонига қараб сайлнинг бошланиш ва тугаш вақти белгиланган. Сайл эрта тонгдан бошланиб, кеч оқшомгача давом этган. Бу кун қўпчилик юмушини тўхтатиб, дам олишга ҳаракат қилган. Гули сурх бошланишидан олдин жарчилар қўйилган. Жарчилар доира-думбак садолари остида халқни сайлга чорлаганлар. Эрта тонгданоқ миллий чолғу-асбоблари – доира-думбак, карнай ва сурнайларнинг овози теварак-атрофни тутиб кетган. Сайли гули сурх маросимининг ўз тартиб-қоидалари бўлган. Ҳар бир иштирокчи унинг тартиб-қоидаларини хурмат қилиши шарт ҳисобланган. Акс ҳолда, тартибни бузганлар сайлдан четлатилган.

Гул сайллари турли томошалар ва мусобақалар билан қизиқ ўтган. Уни қўшиқ ва рақсларсиз, ўйин-кулги ва масхарабозларсиз, мусобақаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Табиат қўйнида ўтаётган гул сайлида бутун сайлгоҳ ҳалимпазлик, ошпазлик, қабобпазлик, ҳасиппазлик, ҳалисапазлик, сумалагу обинабот расталари хўрандалар ва сотиб олувчилар билан банд бўлган.

Сайл бозоридаги қўчқорсимон, тойчиқсимон, аждарсимон, илонсимон сирланган сопол ҳуштаклар, муаллақчи, икки ғилдиракли аравача, хилма-хил камончалар, гавғалтаклар ва ишти каби ўйинчоқлар, сув солиб пуфланувчи сопол булбулчалар болаларнинг кўзларини ўйнатган. Баззозлар кўчма дўконларини раста-растга қилиб тикканлар ва ҳар хил матолар билан савдо қилганлар.

Бир жойда дорбозлар дор ўйнаган. Иккинчи бир жойда айиқбозлар, яна бир жойда рикобий полвонлар кураш тушган. Хуллас, масхарабозлар, дорбозлар ва полвонларнинг санъати йифилгандарда катта қизиқиш уйғотган. Бошқа бир жойда шоирлар мусобақаси авж олса, яна бир жойда муллоларнинг қироатхонлиги янграган. Бошқа яна бир жойда қўчкор уриштириш, хўрозд уриштириш, ит уриштириш, тую уриштириш, варрак учирис, тухум уриштириш, қўғирчоқ ўйин, муаллақчилик, масхарабозлик ва бошқа хилма-хил мусобақалар уюштирилган. Шу куни улоқ (қўпкари), мерганлик мусобақалари ҳам ўзгача шукҳ билан ўтказилган. Бу сайлга қатнашиб, рикобий полвонлар олишувини ўз кузлари билан кўрган устод Айний “Ширбадан сайли” достонида мазкур манзараларни чизиб қўрсатган.

Сайли гули сурхнинг ана шу сурурини халқ йил бўйи эслаб яшаган ва меҳнат қилган. Чунки бу куни бир-бирларидан узоқда яшайдиган қадрдон дўстлар, қариндош-урұғлар ҳам бир-бири билан учрашиб, сухбат қуришлари, дийдорлашишлари учун имкон туғилган. Халқимизнинг гул сайллари қатори Наврӯз байрамига алоқадор яна бир оммавий тадбири – сумалак сайли ҳам машҳур бўлиб, у ўзига хос ҳордиқ чиқариш, маънавий завқ улашиш воситаси сифатида асрлар давомида қадр топиб келмоқда. “Сумалак сайли” кўпинча оқшомдан тун бўйи давом эттирилади. Бунда аёллар тун бўйи сумалак қозони атрофида ўйин-кулги, куй-қўшиққа жўр қувноқ базм уюштириб, завқ-шавқ билан елиб-югуриб, бу муқаддас таомни тайёрлайдилар.

Шунингдек, халқнинг “қовун сайли” тадбири ҳам ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш воситаси ҳисобланади. У қовун пишиқчилиги маҳалида ўтказилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, халқ сайт ва байрамлари, аввало, халқ санъаткор ва ижроилари, дорбозлар, масхарабозлар, қизиқчи асқиячилар, лофчилар, қўғирчоқбозлар, халқ ҳунармандлари ва пазандаларининг баравар иштироки йифилгандарда ўзгача тантанавор кайфият, завқ-шавқ ҳосил қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, омма орасида ташкил қилинадиган ҳордиқ чиқариш имконини берувчи бундай маданий тадбирлар, аввало, унда иштирок этувчи каттаю қичикнинг экологик ва эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнаши, ҳар инсоннинг ўз қалбида гўзаллик яратиш учун меҳнат қилиши зарурлигини уқиши, Она табиатни ҳимоя қилиш, асрлар-авайлаш, унинг неъматларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш кераклигини ҳис этиши учун катта қувват манба экани билан қадрлидир. Улар оммани ижтимоий-маданий жиҳатдан фаоллаштиришга шароит яратиб бериши туфайли асрлардан-асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолған ёдгорликлар / Танланган асарлар. Т.1. – Т.: Фан, 1968. – 468 б.
2. Бекмуродов М., Умаров А. Қорабоев У., Ҳайдаров З. Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти. – Т.: “Ma’naviyat”, 2016. – Б.50-52.
3. Бухор әлда гул сайли. Бухоро халқ қўшиқлари ва термалари. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифлари Д.Ўраева, Д.Ражабов. – Т.: Муҳаррир, 2010. – 188 б.
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.
5. Жирмунский В.М. Народный героический эпос. – Л.: ГИХЛ, 1962. – С.195.
6. Жўраев М. Наврўз байрами. – Т.: Фан, 2009. – 230 б.
7. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек оғзаки поэтик ижоди // Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 304 б.
8. Мысли разных лет. – Алма-Ата, 1961. – С.32.
9. Садриддин Айний. Асарлар. Саккиз томлик. 7-том. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – Б.203-204.
10. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.
11. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 110 б.
12. Safarov O. O`zbek xalq og`zaki ijodi. Darslik. – Т.: Musiqa, 2010. – 368 b.
13. Снесарев Г.П. Релекты досумульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969. – С. 240-265.
14. Умар Хайём. Рубоийлар. – Т., 1981. – Б.13.
15. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 190 б.
16. Ғафуров Ғ. Удумларда – халқ қалби. – Т.: Ёш гвардия, 1986. – Б.171-186.
17. Ҳусайнова З. Ўзбек топишмоқлари. – Т.: Фан, 1966. – Б.14.
18. Ҳусайн воиз Кошифий. Футувватномаи сultonий ёхуд жавонмардлик тариқати. Форстожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: Мерос, 1994. – Б.92.